



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (11.889)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан
2011 йил 19-20 апрель кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига кўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносидан Ислам Каримовни тантанали расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган фойдаланувчи масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорликнинг янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қараймиз», деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик ҳусусида атрафлича фикр алмашилди.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишга нечоғли жиҳдий ёндашганини намоян этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик бошлангани билан изоҳлашганини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг кўламли тузилмавий янгиланишларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асосида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигига доир фойдаланувчи масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР савдо вазири Чэнь

Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

ХХР савдо вазири ва Хитой ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари ташриф асносида имзоланган Сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим фойдаланувчи ва муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эканлиги таъкидланди.

Хитой Эксимбанки ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканлиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир қарра ўз тасдиғини топганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканлиги билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкига умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Шунингдек, Хитой Халқ банки билан Ўзбекистон Марказий банки ўртасида сўм ва юань айирбошлаш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган музокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланиётганини ҳамда устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ эканлиги ёрқин намоян этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез ўсиб бораётган ахтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистондан стратегик хомашё товарларни етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилгани учун миннатдорлик билдирди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баробардан зиёдлашди.

Бу борада Хитойга узоқ муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металллар, нодир ва камёб элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан томонлар Стратегик товарлар савдоси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг амал қилиш муддатини 2020 йилгача узайтиришга келишиб олдилар.

ХХР раҳбарияти ташриф асносида «Ўзбекистон-Хитой» газ қувурининг учинчи тармоғини барпо этиш тўғрисидаги битим имзолангани муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу тариқа қувурнинг газ узатиш қуввати йилга 25 миллиард куб метрга етказилди.

Давлатлар раҳбарлари стратегик материаллар етказиб бериш борасидаги ҳамкорлик принциплал аҳамиятга эга бўлса-да, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадида мамлакатимизга юқори технологияларни қайта қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ижроси эканлиги қайд этдилар.

Ташриф доирасида кимё, нефть-газ, энергетика, транспорт соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар, жумладан, Деҳқонobod калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини барпо этиш, Анг-

рен шаҳрида автомобиллар ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун шиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, конвейер лентасини ишга тушириш, шунингдек, бутадон каучук, суолтирилган табиий газ, метанол, монохлоруксули кислота ишлаб чиқариш, иссиқлик электр станцияларида янги энергия блокларини қуриш, кўмир саноатини модернизация қилиш ва ривожлантириш, замонавий электрвоҳзалар етказиб бериш каби йўналишларга қаратилган.

ХХРнинг етакчи телекоммуникация компаниялари — «Хуавей» ва «ЗТЕ» билан қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой — Навоий аэропорти — Европа ҳаво йўлини очиб ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистралли барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонни узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиладиган ишончли шерик, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ташрифининг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Ташриф якуналарига доир энг муҳим ҳужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини топган.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуният изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб, савдо-иқтисодий, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг пухта ўйланган вазмин ва оқилона сиёсатини, ягона Хитой масаласи бўйича принципиал позициясини, «уч ёвуз қуч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши муросасиз курашни ҳамisha қатъий қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари борасидаги ташвишларини тўлиқ англашини маълум қилди.

Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 25 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

(ЎзА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ тўйига бағишлаб «Биз — 20 ёшдамиз!» широри остида ёшлар акцияси ўтказилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилиги бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбир келажакимиз эгалари қалбини чексиз завқ-шавққа тўлдирди.

● Нукус шаҳрида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мавзуида семинар ташкил этилди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш борасидаги долзарб масалалар ҳамда галдаги муҳим вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Аёл қўлидаги марварид» деб номланган фестивал бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида «Ўзбектелеком» АК ривожланиш истиқболлари, компаниянинг халқаро фаолияти ва янги UZTELEKOM брендининг татбиқ этилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Бухоро шаҳридаги «Ипатия» масъулияти чекланган жамиятида модернизация ишлари якунланди. Бу ерда 100 миллион сўмлик замонавий технологик ускуналар ўрнатилгани туфайли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати ортди.

● Самарқанд миллий унармандчилик касб-хунар коллежида шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда шаҳардаги 61 та корхона ва ташкилот ҳамда касб-хунар коллежлари ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

● Грецияда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг учинчи босқичи ўтказилди. Унда моҳир гимнастикачимиз Ульяна Трофимова тўп билан машқ бажаришда бронза медалига сазовор бўлди.

● Япониянинг йирик «Тойота» автоконцерни Шимолий Америкадаги 14 корхонаси фаолиятини тўхтатди.

● Венгрия парламенти ҳозир ҳукумат тепасида бўлган ўнг — консерватив коалиция томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳасини тасдиқлади. Аввалги конституция 1949 йилда қабул қилинган эди.

● Сешанба кунини Хиндистон шимолида Ми-17 йўловчи вертолётини ҳалокатга учради. Маҳаллий ҳокимият вакилликнинг хабар қилишича, ҳалокат оқибатида 17 киши ҳалок бўлган.

«Кўргазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давом этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ҳудудий саноат ярмаркаси
ва кооперация биржаси



БИЗНЕС-ҲАМКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Илгари хабар берилганидек, ушбу кўргазмали тадбирда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланмиш саноат корхоналаридан 130 дан зиёда ўз салоҳиятини намойиш этмоқда. Эътиборлиси, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, фармацевтика каби ўнлаб йўналишда фаолият юритаётган бу корхоналарнинг

деярли 40 фоизи илк бор ўз имкониятларини кенг даражада синовдан ўтказмоқда. Демак, улар ўзини яқиндан таништириш, шунингдек бўлажак бизнес-ҳамкорларидан тадбиркорлик бобида анча-мунча нарсани ўрганиш имкониятига ҳам эгадир.

(Давоми 2-бетда)

Концепцияни ўрганамиз

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Мустақиллик йилларида инсон шаъни, қадрият ва ижтимоий ҳимояси энг олий қадрият сифатида давлатимиз томонидан устувор вазифалар қаторида эътироф этилди ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар негизда ўз ифодасини топмоқда. Ўрбшомимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда барча соҳаларни ислох этиш ва модернизация қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида Концепция мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каби бир қатор ташкилотлар вакил-

лари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида эришилган натижалар, ҳаётий дастур бўлиши Концепцияни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалар ҳақида сўз борди. Адлия вазири ўринбосари Ф. Ҳидояттов давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда янги даврни бошлаб бергани, асосий мақсад халқимизнинг эркин ва фаровон турмуш

кечиришини таъминлашга қаратилганлигини алоҳида қайд этди.

Таъкидланганидек, Концепцияда белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасини ислох қилиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, бозор ислохотларини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби устувор йўналишларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун маъқулланди. Мазкур конституциявий ислохот жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Семинарда Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг изчил амалга ошириш жараёнида барча фаол қатнашиши лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



БИЗНЕС-ҲАМКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз эса мамлакатимиз бозорида саккиз йилдан бери фаолият юритамиз ва айтишим мумкинки, ҳозирча муносиб рақобатчиларимиз йўқ, — дейди «Org-Sell» масъулияти чекланган жамияти директори Зокир Зиганшин. — Республикаимизда компьютер ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланамиз. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқариш деганда, компьютерни шунчаки жамлаш тушунилмайди... Биз фақат микросхемаларни импорт қиламиз, бошқа бутловчи қисмларни шу ерда тайёрлаймиз. Турли русумдаги — бухгалтерия дастурларига мўлжалланганларидан тортиб, юқори самарали мультимедиа компьютерлари ҳам бизнинг «AV «Tech»» маркази остида ишлаб чиқарилади.

«Org-Sell» масъулияти чекланган жамияти фаолияти кўп қиррали бўлиб, бу ерда бюртмачиларга сервис хизмати ҳам кўрсатилади. Корхона асосан давлат муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Уларга бир йил давомида бепул тарзда кафолатли хизмат ҳам кўрсатиб борилади.

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида «AV «Tech»» маркази остида сервис марказлари ташкил этилган. Масалан, Тошкентда харид қилинган компьютерни соғлаш ёки таъмирлаш учун бюртмачи бир вақтнинг ўзида корхонанинг бошқа вилоят ёки шаҳарларидаги расмий сервис марказлари орқали хизматларидан фойдаланиши мумкин.

— Бундан ишлаш, албатта, бозор иқтисодиёти талабидир, — деди таъкидлаб З.Зиганшин. — Ушбу йўналишдаги фаолиятимизда ҳам ўз мақомимизга содиқ бўлишга ҳаракат қиламиз ва асосан доимий мижозларимизга хизмат кўрсатамиз. Саноат ярмаркасида биринчи марта иштирок этмоқдамиз. Таассуротлар чексиз, десам бўлади. Тадбирнинг биринчи кунда компьютер етказиб бериш бўйича бир неча шартномалар тузишга эришдик. Якуний натижалар ҳам кутилгандан зиёд бўлишига ишончимиз комил.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
Ҳаким Солихов олган суратлар

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тошкент Халқаро Вестминстер Университетида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда университет битирувчилари, профессор-ўқитувчилари, иш ўринларини тақлиф этган элликдан зиёд ташкилот ва идора, фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур университетда бизнесни бошқарув, иқтисодиёт ва молия, халқаро тижорат ҳуқуқи ва бизнесда ахборот тизимлари, халқаро бизнес ва менежмент бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Олти ойдан ортиқ талаба билим олаётган таълим даргоҳида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналари, интернет-лабораториялар, кутубхона, мультимедиа маркази ёшлар ихтиёрида.

Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорида ишчи қучига бўлган талабни ошириш, айниқса, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йили университетни ташкил қилган талабаларнинг 87 фоизи иш билан таъминланган. Бу борада университет ҳузуридаги «Меҳнат маркази» мамлакатимиздаги кўплаб нуфузли компания ва фирмалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Интернет учун дастурлар ишлаб чиқарувчи компаниямиз мазкур меҳнат ярмаркасида илк бор иштирок этмоқда, — дейди «DataSite Technology» компанияси менежери Бехзод Рўзиметов. — Ярмаркада компаниямиз мижозлар билан ишлаш мутахассислиги учун бўш иш ўринларини тақлиф этмоқда.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка университет битирувчиларининг бандлик даражасини оширишга катта ҳисса қўшаётир, — дейди ЎЗА муҳбирга бизнесни бошқарув факультети талабаси Ойбек Собиров. — Биз, ёшларнинг, пухта билим олиб, ўз иқтидор ва имкониятларимизни намояндалаштириш, жамиятда ўз ўрнини топишимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар зиммамизга катта масъулият оқлайди.

Меҳнат ярмаркаси битирувчиларга иштирокчи фирма ва компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш, ўз салоҳиятини намояндалаштириш, иш тақлиф этиш учун яратилаётган шарт-шароитлар зиммамизга катта масъулият оқлайди.

Мадина УМАРОВА

ли усуллари ва йўлларини пухта ўрганган бўлиши лозим. Тадбирда «2011-2012 йилларда Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари», «Ахборот-ресурс марказлари инновацион фаолиятида қоғозли ва электрон ресурслар рекамаси», «КАДАТА» дастурининг ахборот-ресурс марказлари иш самардорлигини оширишдаги ўрни» ҳамда «Ахборот-ресурс маркази фаолиятида фойдаланувчиларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш» мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинарда педагогларга биология, кимё, физика, математика, информатика, тарих ва она тили фанларини ўқитишда илғор педагогик усуллардан фойдаланиш йўллари, таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари ҳамда АКТ ёрдамида ўқувчилар билимларини назорат қилиш усуллари бўйича янги маълумотлар берилди.

Азима ҚИЁСОВА

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш асосида янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мазкур йўналишда амалга оширилган тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш мақсадида 2008 йилдан бунён «Микрокредитбанк» ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда аънавий тарзда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси амалга ошириб келинаётир.

Мазкур лойиҳа натижасида ўтган давр мобайнида 1 минг 398 нафар ёш тадбиркорга банкдан имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Танлов натижасида с саралаб олинган 55 нафар ўғил-қизга берилган кредит суммаларининг фоизи ставкалари «Камолот» томонидан тўланмоқда.

Пойтахтлик Шахло Зоирова 2009 йили «Микрокредитбанк»дан 1,6 миллион сўмлик кредит олиб, «Шахло-лофайз» машиш хизмат кўрсатиш корхонасини ташкил қилди. Унда аҳолига тикувчилик хизмати кўрсатиб келинмоқда.

— Юртимизда ёшлар ўзи қизиққан соҳада фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Шахло. — Кичик корхонамизда кийим-кечак тиккиш билан бирга, аёлларга чеварлик хунари ҳам ўргатишмоқда. Ҳозир ўндан зиёд хотин-қиз иш билан баанд ва элликка яқин шогирдим касб ўрганмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Камолот» бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, «Камолот»нинг ҳудудий ҳамда маҳаллий бўлимлари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари негизида «Ёш тадбиркор» маслаҳат марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, касаначиликни ривожлантириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш борасидаги билимни ошириш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» танлови ташкил этилди.

Тадбирда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёш тадбиркорлар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА муҳбири

Алоқа

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ САРИ ЙЎЛ

Рақамли телевидение тармоғи ўзининг ривожланиш йўлидан бормоқда. Ўзбекистонда ҳам рақамли телевидениени маҳаллийлаштириш борасида олиб борилаётган техникавий изланишлар қўламини кенгайтиб кетди.

Бунда рақамли телевидениени тарқатиш йўриқномаси ишлаб чиқилганлиги айни мuddао бўлди. Тўшкент ва Бухоро шаҳарларида тажриба худудлари ташкил этилди. Айни вақтда барча вилоят марказларини рақамли узатиш билан қамраш ишлари давом эттирилмоқда.

Рақамли телевидениени қабул қилиш учун телевизорлар шунга мўлжалланган бўлиши керак. Ушбу муаммонинг ечимини топиш устида жиддий изланишлар бошлаб юборилди.

Рақамли телевидение юқори сифатли тасвир ва овоз қабул қилиш имкониятини беради.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг филиали сифатида фаолият кўрсатаётган «Телемакс электроник» жамияти ушбу жараёни маҳаллийлаштиришнинг муқобил йўлларини амалиётга татиқ этиш борасида дастлабки тажрибаларни амалга оширди.

Келгусида қўллаб қўшимча хизматлардан фойдаланилади. Бу ишда юқори сифатга эришиш учун жамият республика радиоалоқа, радиоташитириш ва 3 телевидение маркази буортмаси асосида қўллаб ТВ-тунер ишлаб чиқарди. Келгусида бу жараён тезлашиб, кутилган натижалар қўлга киритилади.

Ақбар АЛЎЕВ



Жамоат ташкилотларида

КЕЛАЖАГИМИЗ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

Бугунги кунда келажак авлодни соғлом вояга етказиш борасида кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча шундай хайрли мақсадларни қўзғалаган ҳолда Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчилари ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» шиори остида мусобақалар ўтказилди.

— Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти 84 йилдирки, беғаразлик, бирдамлик, бета-рафлик, ихтиёрлик, мустақиллик тамойиллари асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Анора Эргашева. — Халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, тиббий бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда ушбу тадбирни уюштиришдан мақсад фарзандларимизни ўсмирлик даврида қоҳатга тайёрлаш,

соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир. Мусобақанинг биринчи босқичида голиб бўлган тўққизта мактабнинг 7-8-синф ўқувчилари энди туман миқёсида иқтидор ва қобилиятини намояндалаштиришди. Якуний ҳисоб бўйича 50-мактаб жамоаси голиб бўлиб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўланмани қўлга киритди.

Албатта бу каби тадбирлар ёшларимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, шу жумладан тиббий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Садоқат АСЛАНОВА
Козим Улмасов олган сурат

Чилонзор туманидаги 79-мактабда «Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш — давр талаби» мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Чилонзор туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туманлардаги Ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, мактаблар кутубхоначилари ҳамда информатика фани ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарда юртимизда таълим тизимини тубдан ислох этиш жараёнида билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Айни пайтда таълимга янги ахборот технологияларини кенг жорий этиш, мактаблардаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замонавий талаб ва мезонлар асосида ташкил қилиш юзасидан кенг қам-

ровли ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилди. Юртбошимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув муассасала-

ридаги ўқувчи, ўқитувчи ва маҳаллий аҳолининг ушбу марказлардан бепул фойдаланиши таъминланди, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Дилором Юсупова. «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Айтиш керакки, бугунги куннинг замонавий ўқитувчиси фанларни ўқитишда интернет, электрон маълумотлар базаси каби янги ахборот технологияси асосида таълим беришининг самара-

ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

рот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари соҳани янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

ридаги ўқувчи, ўқитувчи ва маҳаллий аҳолининг ушбу марказлардан бепул фойдаланиши таъминланди, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Дилором Юсупова. «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Айтиш керакки, бугунги куннинг замонавий ўқитувчиси фанларни ўқитишда интернет, электрон маълумотлар базаси каби янги ахборот технологияси асосида таълим беришининг самара-

ХАФТЛИК ТЕЛЕ-РАДИО СЎРАЛЛАР

Давоми. Боши 3-бетда.

14:05-25-кадр
14:30 «Парламент: 5 дақиқа»
14:35 «Худудий хабарлар»

17:10 ТВ - анонс
17:15 «Саломатлик дастури»
17:55 «Икким»
17:55 «Эрталаб»

14:50 АНОНС
14:55 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16:15 Футбол. Европа лигаси. 1/2 финал»

13:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14:00 Сегодня
14:30 Сериял-Улицы разбитых фонарей»

16:15 «Дурдона»
16:30 «Шикант тароналари»
16:40 «Конун доирасида»
17:00 «Анонс»

21:30 Кечки кинозал: «Жаноб Айер ва Айер хоним»
11:00 «Иккинчи имконият»
13:00 «Салом, Тошкент!»

13:00 «Жаноб Айер ва Айер хоним»
6/9 (Хиндистон)
23:45 «Худудий хабарлари»

13:00 «Жаноб Айер ва Айер хоним»
6/9 (Хиндистон)
23:45 «Худудий хабарлари»

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

«Ташкент оқшом»

18:00 «Ташкент оқшом»
18:15 «Мулоҳаза учун мавзу»
18:20 «Мулоҳаза учун мавзу»

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Саломатлик дастури»

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқadi.
Нашр қилатқичи — 563

Газети Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтачиси» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Булак Тўраон кўчаси, 41-уй.

с 9 апреля по 29 мая
ПРАЗДНИЧНАЯ ПРОГРАММА
ЭТОТ ВОЛШЕБНЫЙ МИР ЦИРКА
Касса.
Тел.: 244 35 91, 244 35 94, 244 32 23. www.arkar.uz

кечаси — 13-18 даража илш, кундузи — 28-33 даража иссиқ булади, шимолда кечаси — 11-16 даража илш, кундузи — 20-25 даража иссиқ булади, жанубинг чўл зонасида — 13-18 даража илш, кундузи 30-35 даража иссиқ булади.
Уздорметинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг биров йиғилишига имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўнайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори наст булади.